

Азизов  
Азизов АЗ

ISSN 2410-3586



# УЧЁНЫЙ XXI ВЕКА

научный журнал



3-1  
2018

## СОДЕРЖАНИЕ НОМЕРА

|                                                                                                                                                                                          |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <i>Химические науки</i>                                                                                                                                                                  |    |
| Obtaining defoliant based on guitanium nitrate containing carbamides with sodium chlorine, magnesium and calcium<br><i>F.E. Umirov, F.I. Khudoiberdiev, Sh.R. Kurbonova, G. Namozova</i> | 4  |
| <i>Информатизационные технологии</i>                                                                                                                                                     |    |
| Историческая информатика<br><i>О.А. Асадова, А. Болтаев</i>                                                                                                                              | 7  |
| Значение прикладного программного обеспечения для подготовки экономистов<br><i>Ж.Ж. Атамурадов, Г. Мухитдинова</i>                                                                       | 9  |
| Специфика и значение информатики для экономистов<br><i>Ж.Ж. Атамурадов, Д. Негматова</i>                                                                                                 | 11 |
| Важность электронных учебников в учебном процессе<br><i>Д.Т. Нозимова, Д.Н. Толибова</i>                                                                                                 | 13 |
| Эффективное использование электронных учебников в дистанционном образовании<br><i>Я.Э. Файзиев, М. Джумаева</i>                                                                          | 15 |
| Технология FSO<br><i>Д.Х. Файзиева, Г.М. Рахматова</i>                                                                                                                                   | 17 |
| Основы информационной безопасности<br><i>Л.С. Минич, М. Камолова</i>                                                                                                                     | 19 |
| <i>Филологические науки</i>                                                                                                                                                              |    |
| Inflections in english grammar<br><i>M.B. Ergashev, S.I. Ibragimova</i>                                                                                                                  | 21 |
| Пресуппозное явление в прагматике<br><i>Г.У. Рустамова</i>                                                                                                                               | 24 |
| Комментарии к феномену пресуппозиция<br><i>Г.З. Тошмухаммедова</i>                                                                                                                       | 26 |
| Some characteristic features of using the article in the english language<br><i>V.T. Suleymanova, J.R. Nasrullaev</i>                                                                    | 29 |
| Actual division of the sentence in comparison of English and Uzbek languages<br><i>D.V. Vuronova</i>                                                                                     | 31 |
| Каламбур в англоязычной рекламе<br><i>Д.У. Файзуллаева</i>                                                                                                                               | 34 |
| Сравнительный анализ средств выражения модальности в русском и английском языках<br><i>Д.У. Файзуллаева</i>                                                                              | 36 |
| <i>Педагогические науки</i>                                                                                                                                                              |    |
| Возможности системы электронного образования при изучении профессионально ориентированных дисциплин<br><i>С.С. Мухлисов, Д.Э. Ёринова</i>                                                | 39 |
| Новейшие педагогические технологии в образовательном процессе высших учебных заведений<br><i>Ш.Г. Джураева, Ж.Р. Насруллаев</i>                                                          | 41 |
| On the problems of speech of communicative aspect<br><i>F.A. Akhmedova</i>                                                                                                               | 44 |
| The role of the teacher and the learner in traditional style and communicative english language teaching<br><i>A.E. Rustamova, J.A. Azimkulov</i>                                        | 46 |
| The key principles of developing speaking skills<br><i>Sh.S. Sirojiddinova, M.X. Boboyorova</i>                                                                                          | 49 |
| The role of games in foreign language teaching<br><i>S.Sh. Sarimsoqov</i>                                                                                                                | 51 |
| The role of native english teacher in promoting inter-cultural atmosphere inside the classroom<br><i>A.E. Rustamova, D.Y. Ulugmurodova, N. Yusupova</i>                                  | 53 |
| Vocabulary as the first essential element of communication<br><i>T.K. Akramova</i>                                                                                                       | 56 |

УДК 37.013

**ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРДАН МАСОФАВИЙ  
ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**Я.З. Файзиев<sup>1</sup>, М. Джумаева<sup>2</sup>

Аннотация

Мақолада масофавий ўқитиш шаклида электрон дарсликлардан фойдаланишнинг афзаллик жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

**Таянч иборалар:** масофавий ўқитиш, ахборот ресурслари, мультимедиа компютери, электрон дарслик, интернет, аппарат дастурлари.

“Масофавий ўқитиш” бу - мамлакатда ва хориждаги кенг аҳоли қатламига махсус ахборот таълим оммаси ёрдамида тақдим этиладиган, масофада ўқув ахборотини алмашиш воситаси асосидаги, таълим хизматлари мажмуасидир.

Масофавий ўқитишнинг ахборот-таълим усули фойдаланувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, тартибга солинган, маълумотларни етказиб беришнинг ташкилий воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро муносабат баённомалари, аппарат дастурлари ва ташкилий-услубий таъминотининг бирлигини ташкил этади. Масофавий ўқитиш узлуксиз таълим шаклларида бири бўлиб, у инсоннинг таълим олиш ва ахборот тўплаш ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган.

Масофавий ўқитишда, билим беришнинг ихтиёрий шаклини тушунамиз. Бунда ўргатувчи ва ўрганувчи замонда ёки маконда тарқоқ бўлади. Агар бу таърифга қўшилсак, унда индивидуализация элементлари йўқ бўлган “эски қадрдон” сиртқи таълим - замонавий - масофавий ўқитишнинг намунаси. Замонавий компютерлар ёрдамида ҳозирги вақтгача етиб келган, ахборот узатишнинг деярли барча шакллари самарали амалга ошириш мумкин. Масофавий ўқитишнинг анъанавий сиртдан ўқишдан фарқи “қоғоз ва ручка”нинг ўрнини компютер, “каптар почтаси”ни эса Интернет бажаради. Мультимедиа компютери бу - нафақат янги маълумотларнинг интеграллашган сохиби, балки бу - “face to face” моделини тўла ва муқобил акс эттирувчи ускунадир. Шуни айтиш жоизки, фақат компютерлар орқалигина, информацион-ахборот усуллари гипермедиага таянган ҳолда, амалга ошириш мумкин, бу ўз ўрнида, ўқитиш индивидуализациясини ташкил этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Оддий дарсликдан фарқли ўларок, электрон дарслик ёрдамида сиз учун зарур маълумотни тез топасиз; маттни тушуниш учун берилган изоҳларни қайта-қайта мурожат қилишда вақтни тежайсиз; маттни кўрсатиш, уни изоҳлаб бериш билан бирга яна бир қатор амалларни бажаради. Айнан шунда, мультимедиа-технологияларининг устунликлари ва имкониятларини яққол кўриш мумкин, улар шахсни маълум ихтисослик бўйича билимини тезкорлик билан текширишга имконият яратади.

Албатта, ҳамма нарсанинг ҳам ижобий, ҳам салбий тарафлари бўлиши табиийдир. Шу ўринда, электрон дарсликларнинг камчиликлари деб, маълумотни экрандан олишнинг ноқулайлигини айтиш ҳам мумкин. Зеро, маттни, маълумотни экрандан идрок этиш, китоб ўқишдан кўра ноқулай ва самарасизлиги бўлса, бошқа тарафдан электрон дарслик китобга қараганда қимматроқлигидир. Албатта, бу ҳам индивидуал бўлиб, шахснинг маълумотни қай ҳолда, қаердан олишини ихтиёрий равишда танлашига боғлиқ.

XXI аср - ахборот-технологиялар асри ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳамма соҳада жадалликни кузатиш мумкин. Бугунги кун замонавий таълим тизими ахборот-технологиялари ва компютер телекоммуникацияларини фаол қўллаб

<sup>1</sup>Файзиев Яхши Зиёевич – преподаватель, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

<sup>2</sup>Джумаева Махфуза – преподаватель, Бухарский налоговый колледж, Узбекистан.

келмокда. Айниқса масофавий ўқитиш тизими тез ривожланмокда, бу албатта, таълим муассасаларининг компьютер жихрлари ва Интернет тармоқлари билан таъминланишига имкон яратади.

Хориж тажрибасини ўрганиб, куйидаги хулосага келиш мумкин: ўқитувчи ахборот узатувчи ролида эмас, балки маслахатчи, консультант, баъзан ҳатто ўрганувчининг ҳам касби ҳам бўлиши керак. Бу эса ўз ўрнида ўқитиш жараенида талабаларнинг фаол катнашишлари, мустакил фикрлашлари, ўз нуқтаи назарларини ифода этишлари, реал ҳолатларни ақс эттириш каби ижобий натижаларни беради.

Ахборот-технологияларнинг ривожи, дарсни янги, масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш имконини яратди. Улар, биринчидан, юқрида тақидланганидек, ўрганувчининг ўзига - дарсни ўқиш учун вақтни ва жойни танлашига, иккинчидан, айрим сабабларга қўра анъанавий таълим олиш шаклидан маҳрум бўлганлар учун таълим олиш, учинчидан, ўқитишда янги ахборот-технологияларни қўллашга имкон берса, тўртинчидан, қандайдир даражада таълим олиш ҳолатларини камайтиради. Бошқа тарафдан, масофавий ўқитиш таълим индивидуализацией имконини мустаҳкамлайди.

Масофавий ўқитиш шаклида электрон дареликлар қўлланилиши ҳақида айтиб ўтилди. Фикримизча, ушбу дареликларнинг устунлик тарафи биринчидан, уларнинг мобил-тезкорлиги, иккинчидан, компьютер тармоқларининг ривожланиши муносабати билан алоқа ўрнатилишининг осонлиги, учинчидан, замонавий илмий билимларнинг ривожланиш даражасига муносиблигидир. Бошқа тарафдан, электрон дареликлар яратиш, ахборот материалларининг доимий янгилаш муаммосини ечишга ёрдам беради. Уларда яна, жуда қўп машқ ва мисоллар, расмлар ёрдамида турли хил ахборотлар ривожланиш жараёни батафеил ёритилиши мумкин. Бундан ташқари, электрон дареликлар ёрдамида билимни текшириш - компьютерда тестдан ўтказиш амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, электрон дареликлардан фойдаланиш амалиёти, шуни кўрсатадики, талабалар баён этилган материални самарали ўзлаштиришга, буни тест натижалари тасдиқлайди. Шундай қилиб, ахборот-технологиялар ривожи янги услубларни таълим услубларида яратишни ва шу билан, таълим сифатини кўтаришга кенг имконият яратади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Башмаков А.И., Башмаков И.А. Разработка компьютерных учебников и обучающих систем. - М.: Информационно-издательский дом «Филинь», 2003.
2. Буль В.А. Электронные издания. - СПб.: БХВ-Петербург, 2003.

© Я.З. Файзиев, М. Джумаева, 2018

УДК 37.013

#### **ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ УЧЕБНИКОВ В ДИСТАНЦИОННОМ ОБРАЗОВАНИИ**

Я.З. Файзиев, М. Джумаева

**Аннотация.** В статье описаны положительные стороны использования электронных учебников в дистанционном образовании.

**Ключевые слова:** дистанционное образование, информационные ресурсы, мультимедийный компьютер, электронный учебник, интернет, аппаратные программы.

© Я.З. Файзиев, М. Джумаева, 2018